

МИРЗАЧЎЛ ГИДРОЛОГИК РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА Фойдаланиш масалалари

*Холдорова Гулбаҳор Михлибоевна. - Жиззах Давлат педагогика университети
Табиий фанлар факултети География ва иқтисодий билим асослари кафедраси катта
ўқитувчиси, г.ф.ф.д., PhD,*

Аннотация: Гидрологик ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб масалалар сирасига кириб бормоқда. Мазкур мақолада Мирзачўл худудудидаги сув омбори ва унинг атроф-муҳит ландшафтларига кўрсатаётган таъсирини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишни тақоза этмоқда. Сир эмаски ҳар қандай катта қурилишлар амалга оширилаётганда биринчи навбатда иқтисодиётга кўрсатадиган фойда ҳисобга олинади. Худудда ирригация иншоотларидан каналлар ва сув омборлар, насос станциялари ва уларнинг геотизимларни ўзгаришига таъсири муҳокама этилган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Жиззах, ирригация иншоотлари, каналлар, сув омборлар, насос станциялари, тўғонлар (дамба), коллекторлар, ариқлар, коризлар, мелиоратив экспедиция

Аннотация: Эффективное использование гидрологических ресурсов становится одной из актуальных проблем. Данная статья призывает к комплексному изучению и анализу водоема Мирзачольского района и его влияния на окружающие ландшафты. Ни для кого не секрет, что при любом большом строительстве в первую очередь учитывается польза для экономики. От ирригационных сооружений в этом районе до каналов и водохранилищ, насосных станций и их влияния на изменения геосистем обсуждаются и анализируются.

Ключевые слова: Джизак, ирригационные сооружения, каналы, водохранилища, насосные станции, плотины (дамба), коллекторы, канавы, канавы, мелиоративная экспедиция.

Abstract: Effective use of hydrological resources is becoming one of the pressing problems. This article calls for a comprehensive study and analysis of the reservoir of the Mirzachol region and its impact on the surrounding landscapes. It's no secret that with any large construction, the benefits for the economy are taken into account first. From irrigation structures in the area to canals and reservoirs, pumping stations and their impact on geosystem changes are discussed and analyzed

Key words: Jizzakh, irrigation facilities, canals, reservoirs, pumping stations, dams (damba), collectors, ditches, ditches, reclamation expedition

Кириш. Ўрганилаётган худудда сув хавзаларига алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Мирзачўл округида ер ости ва усти сувларини комплекс ўрганиш ҳамда уларнинг атроф-муҳитга таъсири мониторингини ўтказиш муҳим илмий-амалий аҳамиятига эгадир. Округда ирригация иншоотларнинг гидрологик тўри, табиий равишда ҳосил бўлган ер ости ва усти сувларига нисбатан зич ҳисобланади. Сабаби, округда суғорма деҳқончилик асосий тармоқ эканлиги билан боғлиқдир.

Мирзачўл округида ирригация иншоотларига каналлар ва сув омборлар, насос станциялари, тўғонлар (дамба), коллекторлар, ариқлар, коризлар ва бетон ариқ (лоток) лар мисол бўлади.

Муҳокама ва натижалар. Мирзачўл округида оқар сувларни тартибга солиш ҳамда суғориладиган ҳудудларни сув билан таъминлаш мақсадида бир неча сув омборлари қурилган. Буларга Жиззах, Қоровултепа, Зомин, Арнасой, Новқа, Хўжамушкент, Сармишсой ва Сардоба каби сув омборлари мисол бўлади. Мирзачўл округидаги сув ҳавзаларига дастлабки сув омбори 1973 йилда қурилган Жиззах сув омбори бўлиб, Сангзор дарёсидан сув олади. Сув омборнинг ҳажми 100 млн м³ ни ташкил этади ва атрофдаги 5 минг гектар жойларни сув билан таъминлайди.

Мустақилликдан кейин округи ҳудудида қурилган энг катта сув омбор сўзсиз - Сардоба сув омбори ҳисобланади. Бу сув омбор 2010 йилда Жанубий Мирзачўл каналининг марказий тармоғи оқиб ўтган жойда бунёд этила бошланиб, 2018 йилда яқунланди. Улкан гидротехник иншоотнинг морфометрик ўлчамларини кўрадиган бўлсак, майдони 58,7 км², сув сифими 922 млн м³, максимал чуқурлиги 35 м, узунлиги 33 км, баландлиги 33 м ни ташкил этади. Сардоба сув омбори Сирдарё вилоятининг Оқолтин ва Мирзаобод туманлари, Жиззах вилоятининг Арнасой, Мирзачўл ва Дўстлик туманларидаги 146,2 минг гектар ерларни суғориш кўзда тутилган. Шунингдек, Сардоба сув омборида қуввати 15 мегаватт бўлган мини гидроэлектростанция қуриш ҳам бошланган. [].

Бундай улкан лойиҳаларни амалга ошираётган Сардоба сув омборида, қутилмаганда 2020 йилнинг 1 май куни эрталаб тўғон ўпирилиши содир бўлди. Сардоба сув омборида катта миқдорда сувнинг оқиб чиқиши ҳисобига Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги аҳоли пунктлари ва экинлари зарар кўрди. Бу туманлардаги бир қанча бинолар, йўллар, коммуникациялар вайрон бўлди. Умумий қилиб олганда, Сардоба, Оқолтин

ва Мирзаобод туманларидаги 22 та қишлоқдан 60 мингдан ортиқ аҳоли эвакуация қилинди.

“XXI аср қурилиши” номини олган сув омбордаги бундай фожиа – Сардоба сув омбори ва унинг атроф-муҳит ландшафтларига кўрсатаётган таъсирини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишни тақоза этмоқда. Сир эмаски ҳар қандай катта қурилишлар амалга ошириладиганда биринчи навбатда иқтисодиётга кўрсатадиган фойда ҳисобга олинади. Қурилишнинг атроф-муҳит ландшафтларига кўрсатаётган таъсири кўп ҳолларда етарлича баҳоланмай қолади. Натижада, табиат ва жамият ўртасидаги мувозант бузилади. Мирзачўл округида сув омборлар билан бир қаторда Новқа, Сармич, Хўжамушкент каби селхоналар ҳам қурилган (1.1-жадвал қаранг).

1.1-жадвал

Мирзачўл округи сув омбор ва селхоналари тўғрисида маълумот

№	Сув омбор ва селхоналар	Қурилган йили	манбаи	майdonи, км ²	лойиха қуввати, млн.м ³
1	Жиззах сув омбори	1973	Сангзар, Зарафшон	12,4	100
2	Қоровултепа сув омбори	1978	Зарафшон	8,50	50
3	Зомин сув омбори	1979	Зоминсой	1,4	52,1
4	Арнасой сув омбори	2003	Чордара сув омбори	140	730
5	Сардоба сув омбори	2018	Жанубий Мирзачўл канали	58,7	922
6	Новқа селхонаси	1980	Сангзар ва селлар	0,60	5
7	Хўжамушкент селхонаси	1981	Булоқ ва селлар	0,58	5

Манба: Сирдарё-Зарафшон ИТХБК мелиоратив экспедиция маълумотлари, 2019

Мирзачўл округи ҳудудини суғоришда сув омборлар билан бир қаторда канал ва коллекторларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Ҳудудда суғориладиган майдонларда ер ости сувларни маълум бир сатҳда ушлаб туриш мақсадида кўплаб коллектор-зовурлар ҳам қазилган. Жумладан, суғориладиган

худудларни сув билан таъминлашда А.Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл, Шимолий Мирзачўл (ҳозирги Дўстлик) ва Эски Туятортар каналлари орқали Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг пахта ва ғалла майдонлари суғорилади (1.2-жадвал қаранг).

1.2-жадвал

Мирзачўл округидаги каналлар тўғрисида маълумот

Канал номи	Сув манбаи	Узунлиги км	Сув сарфи м ³ /с	Ташкил этилган йили
Жанубий Мирзачўл	Сирдарё	127,7	545	1957 – 62
Шимолий Мирзачўл (Дўстлик)	Сирдарё	116	230	1891
Эски Туятортар	Зарафшон	108,2	50	XVI аср

Манба: Сирдарё-Зарафшон ИТХБҚ мелиоратив экспедиция маълумотлари, 2019

Мирзачўл округида суғориладиган майдонларда ер ости сувларни маълум бир сатҳда ушлаб туриш мақсадида кўплаб коллектор-зовурлар қазилган. Буларга Оқбулоқ, Чегара коллектори, Қли, Жиззах бош зовури (ЖБЗ) ва Бўйлама (ПК-6) каби коллектор-зовурлари киради. Коллектор-зовур сувларининг миқдори суғоришга сарфланадиган сув миқдорига боғлиқ. Ўтган асрнинг 70-йилларида Мирзачўлни суғоришга сарфланадиган сув миқдори 196 м³/сек дан 219 м³/сек га ошди. Шунга боғлиқ ҳолда суғориладиган ерлардан коллектор-дренажлар орқали чиқадиган сувлар миқдори ҳам 43 м³/сек дан 56 м³/сек га ошди (1.3-жадвалга қаранг).

1.3-жадвал

Мирзачўл округидаги коллектор-зовур сувларнинг кўп йиллик кўрсаткичлари

Йиллар	Коллекто-зовурлар					Жами сув миқдори млн м ³
	Оқбулоқ млн м ³	Чегара коллектори млн м ³	Қли млн м ³	ЖБЗ млн м ³	Бўйлама (ПК-6) млн м ³	

2012	187,9	87,0	282,9	234,3	57,1	849,2
2013	213,7	74,4	323,9	238,3	55,9	906,2
2014	139,8	48,9	394,1	312,2	75,3	970,3
2015	127,7	50,3	394,2	305,0	83,2	960,4
2016	123,5	88,1	364,2	258,6	110,3	944,7
2017	126,4	77,6	428,6	314,8	118,8	1066,2
2018	126,9	51,9	393,3	312,1	97,5	981,7

Сирдарё-Зарафшон ИТХБК мелиоратив экспедиция маълумотлари, 2019

Хулоса. Мирзачўл округи табиатидаги ўзгаришларни узоқ вақт давомида кузатиш ва ўрганишлар натижасида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги баъзи бир таклиф ва мулоҳазалар туғилди. Жумладан:

- Сангзор ҳавзасидаги турли-туман табиатини табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгариш даражасига қараб экологик раёнларга ажратиш ва схематик картасини ишлаб чиқиш;

- Мирзачўл округидаги мавжуд табиат ёдгорликларини аниқлаш, рўйхатга олиш ва уларни муҳофаза қилишда маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- Худуддаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва табиат ёдгорликларнинг схематик картасини тайёрлаш ва ушбу ҳудудларда экотуризм ривожлантиришнинг режаларини ишлаб чиқиш лозим;

- Сангзор ҳавзасида баҳор фаслида сел ҳодисалари бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Шу сабабли ҳам доимий равишда сел оқувчи жойларда селхоналар барпо этиш лозимдир;

- гидротехник иншоотларнинг атроф-муҳитга кўрсатиладиган таъсирини ҳамда табиий шароити бир мунча ўзгарган ҳудудлар муаммосини ҳал қилиш, яхшилаш, уларни чуқур илмий асосланган ҳолда тадрижий ва стационар мониторинг таҳлилларини ўтказиш лозимдир

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алибеков Л.А, Нишонов С.А Природные условия и ресурсы Джизакской области – Ташкент. Узбекистан. 1978. 255 с.
2. Холдорова, Г. (2021). Мирзачўлда атроф-муҳитни мониторинг қилиш масалалари. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (1)
3. Gapparov, A., & Kholdorova, K. (2020). Population Systems In The Reclaimed Lands Of The Republic Of Uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
4. Abdunazarov, U., & Sabitova, N. (2020). Morphological features of buried Soils of loess formations of the prytashkent region of Uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI*
5. Хакимов, К. М., Холдорова, Г. М., & Эрматова, Н. Н. К. (2017). Принципы и основные положения номинации географических объектов. *Проблемы современной науки и образования*, (4 (86)).